



2017 у.г. «23» март № 637-10 Самарқанд т. – р. Самарқанд

Тумандаги “MAXMUDJON DALER AGRO” фермер хўжалигига Қўлбаипоён кишлоқ фуқаролар йиғини Гулобод агротехсервис агрофирмаси Андижони маҳалласи худудидан Савдо ва маиший хизмат шахобчалари қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Самарқанд вилоят ҳокимлиги танлов комиссиясининг 2017 йил 28 январдаги 03/3-54-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 7 октябрдаги 285-сонли “Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун танлов асосида ер участкалари бериш тартиботлари ва қурилиш учун рухсатномалар олиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ ташкил этилган танлов савдолари юзасидан” 1-сонли баённомасини инobatга олиб, танлов голиби “MAXMUDJON DALER AGRO” фермер хўжалиги раиси З.Ўроков туман ҳокими билан тузилган танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисидаги шартномасини инobatга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6-моддасига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Самарқанд вилоят ҳокимлиги танлов комиссиясининг 2017 йил 28 январдаги 03/3-54-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 7 октябрдаги 285-сонли “Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун танлов асосида ер участкалари бериш тартиботлари ва қурилиш учун рухсатномалар олиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ ташкил этилган танлов савдолари юзасидан” 1-сонли баённомаси маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Танловга қўйилган 9-сон ер майдонининг голиби “MAXMUDJON DALER AGRO” фермер хўжалиги бўлганлиги сабабли тумандаги “Қўлбаипоён” кишлоқ фуқаролар йиғинидаги Гулобод агротехсервис агрофирмаси Андижони маҳалласи худудидан Савдо ва маиший хизмат шахобчалари қуриш учун 360,0 м.кв кишлоқ хўжалигида фойдаланмайдиган туман захира ерлари хисобидан доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ер майдони ажратилсин.

3. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (З.Олимов)га, туман “Ермулккадастр” давлат корхонаси (Т.Шаропов)га, туман архитектура ва қурилиш бўлими (Ф.Қаршиев)га, “Қўлбаипоён” кишлоқ фуқаролар йиғини (М.Раҳмонов)ларига тасдиқланган бош режа асосида танлов голибига ер майдонларини ўлчаб бериш, туман ер балансига тегишли ўзгартириш киритиш ҳамда ер ўлчаб бериш далолатномасини туман ҳокимлигига такдим этиш вазифаси топширилсин.

4. Туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси (Т.Шаропов)га ушбу танлов голибига ер майдонига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома берилиши ва туман давлат солиқ инспекциясига маълумот такдим этиш вазифаси топширилсин.